O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

«Албатта, ён-атрофимизда ёрдамга эҳтиёж сезиб яшайдиган ёлғиз кексалар ва ногиронларга ҳамдард бўлиб, уларга зарур кўмак ва маънавий мадад бериш масаласи... кун тартибидан асосий ўрин эгаллаши керак».

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 18-sentabr • Seshanba • 116 (27.761) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАҲОН ПАХТА БОЗОРИДАГИ НУФУЗИ ЮКСАЛМОҚДА

Шу кунларда Тошкент бир пайтнинг ўзида иккита йирик халқаро анжуман мезбонига айланди. Булар — Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ўтказилаётган III Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси ва IV Халқаро пахта ва тўқимачилик конференциясидир.

Мазкур анжуманлар Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан «Cotton Outlook» журнали, Пахта бўйича халқаро маслаҳатлашув қўмитаси, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ва «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази ҳамкорлигида ташкил этилди. Бу ерда жаҳон пахтачилик ва тўқимачилик саноати етакчиларига, ўнлаб мамлакатлардан келган савдо агентларига нафақат ушбу соҳаларнинг ривожланиш истиқболлари, ўз маҳсулотларининг жаҳон бозоридаги нархлари қонъюнктурасини муҳокама қилиш, мамлакатимиз пахтачилик мажмуаси салоҳиятини юксалтириш стратегияси билан танишиш, айни пайтда ўзбек пахта толасини бевосита етказиб бериш бўйича шартномалар тузиш имкони яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев IV Халқаро пахта ва тўқимачилик конференциясини очар экан, мамлакатимиз бугунги кунда халқаро пахта бозорининг етакчиларидан бирига айланганини таъкидлади. Конференцияда ва III Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасида дунёнинг 34 мамлакатидан 250 компаниянинг 450 нафар вакили иштирок этмоқда. Бу ўтган йилларга қараганда анча кўп бўлиб, чет эл ишбилармон доираларининг пахта етиштириш, пахта толасидан маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича кўп асрлик анъаналарга эга Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишга интилиши ортиб бораётганлигидан далолат беради.

Мамлакатимизда истиқлол йилларида Президент Ислом Каримов раҳнамолигида иқтисодиётнинг барча жабҳаларида, шу жумладан пахтачилик ва тўқимачилик соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижаси ўлароқ, энг юқори жаҳон стандартлари асосида пахта етиштириш, уни қайта ишлаш ва сотиш бўйича замонавий тизим яратишга қаратилган мислсиз ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Тола сифатини инструментал баҳолаган ҳолда тойлаб сертификация қилиш тизими жорий этилди, бу эса жаҳон бозорида маҳсулотимизга бўлган талабни янада оширди. Фермерлик ҳаракатини ривожлантириш асосида пахта етиштириш тизими такомиллаштирилмоқда. Фермер ва деҳқонларнинг ўз меҳнати натижасидан манфаатдорлиги ўзбек пахтаси ҳосилдорлиги ортиши, сифати яхшиланиши билан бирга уни етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Бу ишга замонавий тўқимачилик саноати эҳтиёжларига жавоб берадиган энг мақбул истеъмол хусусиятларига эга пахта навларини етиштириш билан шуғулланувчи селекционерларимиз ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда.

Илғор технологиялар билан жиҳозланган тўқимачилик корхоналарини ривожлантириш ҳисобидан пахта толасини тўла қайта ишлаш ҳажми изчил ортиб бормоқда. Барқарор хомашё базасига, зарур энергоресурсларга, юқори салоҳиятли мутахассисларга эга бўлган Ўзбекистонда тўқимачилик соҳасида янгидан-янги замонавий корхоналар ишга туширилмоқда. Яқин келажакда республикада етиштирилаётган пахта толасининг 50 фоизгача бўлган қисми ўзимизда қайта ишланади. Соҳага жалб қилинаётган хорижий инвестициялар ҳажми, қўшма корхоналар сони ҳам кўпаймоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимизда хорижий сармоядорлар учун яратилган қулай шарт-шароитлар, қонунчилик йўли билан мустаҳкамланган имтиёз ва преференциялар натижасидир.

Айни пайтда пахта толасини экспорт қилишга жиддий эътибор берилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида

Аҳоли даромадлари ва фаровонлиги даражасини муттасил ўстириб бориш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган сиёсатни амалга оширишни давом эттириш, кексалар тўғрисидаги ғамхўрликни ҳар томонлама кучайтириш, уларнинг пенсиялари миқдорини ошириш, шунингдек, пенсия таъминоти тизимини изчиллик билан такомиллаштириб бориш мақсадида:

1. 2007 йилнинг 1 октябридан пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган иш ҳақининг максимал миқдори энг кам иш ҳақи миқдорининг етти каррасидан саккиз каррасигача миқдорга оширилсин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари, шунингдек, зарур ҳолларда, Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги пенсияни ҳисоблашда қабул қилинадиган иш ҳақининг максимал миқдори оширилишини ҳисобга олган ҳолда пенсияларнинг миқдорлари ўз вақтида қайтадан ҳисоблаб чиқилишини таъминласин.

4. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунга ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартишларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига тасдиқлаш учун киритсин.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2007 йил 17 сентябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ПЕНСИОНЕРЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИ КУЧАЙТИРИШ БОРАСИДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА» ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунларданоқ аҳоли даромадлари ва фаровонлиги даражасини изчил ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган тарзда ошириб боришга, аҳолининг муҳтож қатламлари — пенсионерлар, ногиронлар, ёлғиз кексаларнинг аниқ ижтимоий ҳимоясини таъминлашга қаратилган кучли ижтимоий сиёсатни ўтказиш ғоят муҳим устувор вазифа бўлиб қолмоқда.

Кейинги йилларда эришилган юқори иқтисодий ўсиш суръатлари, инфляциянинг пастлиги мана шу кенг миқёсли ижтимоий вазифаларнинг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлаш учун ишончли негиз яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан стратегик муҳим вазифа — ҳар уч йилда аҳоли даромадлари ва иш ҳақининг ўрта ҳисобда 2-2,5 баравар оширилишини таъминлаш, яқин йиллардаёқ ўз аҳолиси даромадлари ва фаровонлигининг юксак стандартларини таъминлаётган мамлакатлар даражасига кўтариш вазифаси қўйилган.

Аҳолининг турмуш даражасини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тизимида пенсионерлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, уларнинг турмуш шароити ва сифатини яхшилаш муҳим ўрин тутади. Ўзбекистон Республикаси пенсия тизимининг қонунчилик базаси ва механизмлари муттасил такомиллаштириб борилмоқда — 2002 йилдан бошлаб мамлакатда пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган меҳнат стажи давоматини чеклаш бекор қилинган, 2005 йилдан бошлаб эса пенсия маблағларини фуқароларнинг жамғарма ҳисобварақларида якка тартибда жамғариш тамойилларига асосланган пенсия тизимининг янги қўшимча механизми жорий этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган «Пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармон давлатимизда пенсия ёшига етган деярли 3 миллион фуқаро даромадларининг асосий манбаи — пенсияларни янада кўпайтиришни таъминлаш бўйича аниқ-равшан вазифаларни амалга оширишдаги муҳим босқич ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 1 октябрдан жорий этиладиган ушбу Фармонининг муҳим хусусияти шундаки, пенсияни ошириш пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинадиган даромадларнинг чекланган миқдорларини **энг кам иш ҳақи миқдорининг етти каррасидан саккиз каррасигача миқдорга** ошириш ҳисобидан таъминланади.

Бунинг боиси шуки, кейинги йилларда ўртача ойлик иш ҳақи энг кам иш ҳақига нисбатан илдам суръатлар билан ортиб бормоқда, пенсия ёшига етган шахслар орасида эса меҳнат даромадлари юқорироқ бўлган ходимлар улуши тобора кўпаймоқда

Мазкур норманинг жорий этилиши шу йилнинг 1 октябриданоқ пенсияга чиққунга қадар нисбатан юқори иш ҳақи олган пенсионерларнинг талайгина тоифаси учун пенсиялар миқдорини анча кўтариш, уларнинг моддий фаровонлигини ошириш, ижтимоий адолат тамойилларини мустаҳкамлаш, аҳолининг кўпроқ ҳақ тўланадиган унумли меҳнатдан, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ва ислоҳ қилишда фаолроқ иштирок этишдан манфаатдорлигини кучайтириш имконини беради.

Шуни қайд этиб ўтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 2007 йилнинг 1 октябридан кейин пенсияга чиқадиган фуқароларгагина эмас, **балки, биринчи навбатда, ҳозирги кунда пенсияда бўлган фуқароларга ҳам таалуқлидир**. Шу муносабат билан, ижтимоий таъминот органлари томонидан пенсияни тайинлашда ўртача иш ҳақи энг кам иш ҳақининг етти карра миқдоридан ортиқ бўлган шахсларнинг илгари тайинланган барча пенсиялари қайта кўриб чиқилади, пенсиялар янги нормативдан келиб чиққан ҳолда оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида ижроия ҳокимият органларига пенсияларнинг миқдорлари ўз вақтида қайтадан ҳисоблаб чиқилишини ҳамда уларнинг жорий йилнинг октябридаёқ оширилган миқдорда тўланишини таъминлаш юзасидан аниқ топшириқлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари, зарур ҳолларда эса Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 2007 йилнинг ўзидагина 20 миллиард сўмдан ортиқ, 2008 йилда эса 100 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ ажратилади.

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР ҲАЙКАЛИ ОЧИЛДИ

Юртимизда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллиги кенг нишонланаётир. Шу муносабат билан пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги миллий боғда Абдулла Қаҳҳорга ўрнатилган ҳайкалнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Бу ерга ёзувчи ва шоирлар, санъат ва маданият арбоблари, олимлар, талаба-ёшлар, жамоатчилик вакиллари йиғилдилар.

Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, халқ шоири Абдулла Орипов, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов, халқ шоири Жуманиёз Жабборов, академик Азиз Қаюмов, Абдулла Қаҳҳор яшаб, ижод қилган Яккасарой туманидаги Юнус Ражабий номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Михаил Кихтов истиқлол йилларида мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий адабиётимиз ривожига беқиёс ҳисса қўшган ёзувчи ва шоирлар хотирасини эзозлашга, ижоди ва адабий меросини асраб-авайлашга, чуқур тадқиқ этиш ва кенг тарғиб қилишга катта эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидладилар.

Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 8 январда қабул қилинган «Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори бунинг ёрқин мисолидир. Ушбу қарорга биноан юбилей олдидан адиб уй-музейининг тўлиқ таъмирланиши, асарлари асосида спектакллар ва телекўрсатувлар яратилгани — барчаси Абдулла Қаҳҳорга бўлган чуқур ҳурмат-эҳтиром ифодасидир. Шунингдек, ёзувчи ҳаёти ва ижодий фаолиятига оид тадқиқотлар, бир қанча рисола ва илмий тўпламлар чоп қилинди. Ёзувчининг танланган асарлари, Кибриё Қаҳҳорованинг «Чорак аср ҳамнафас» китоби қайта нашр этилди. Мамлакатимиз олий ўқув юртлари, коллеж, лицей ва мактабларда, корхона ва ташкилотларда адиб ижоди ҳамда ҳаётига бағишланган илмий-амалий анжуманлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилди.



Абдулла Қаҳҳор асарларида адолат, ҳақиқат шуқуҳи сезилиб туради, деб таъкидланди тадбирда. Улар, шак-шубҳасиз, бугунги авлод онгу тафаккурини бойитишда ҳам катта маънавий аҳамиятга эга меросдир. Атоқли адибга Алишер Навоий номи билан аталадигач муҳташам боғда ҳайкал ўрнатилгани ҳам бежиз эмас, албатта. Устоз ёзувчи тил ва миллатга, адабиёт ва ижодга бундай эҳтиромни умр бўйи орзу қилиб яшаган эди. Истиқлол шарофати билан севимли адибимизнинг армони ушалди.

Тадбир иштирокчилари Абдулла Қаҳҳорнинг Ўзбекистон санъат арбоби И.Жабборов томонидан яратилган ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйдилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев иштирок этди.

Олим ТЎРАҚУЛОВ, ЎзА мухбири.
Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

Фракция фаолияти

ЁЛҒИЗ КЕКСАЛАР, ПЕНСИОНЕР ВА НОГИРОНЛАР

МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТНИНГ МУҲИМ ВАЗИФАСИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Дастурида партия аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлами, хусусан, ногиронлар, ёлғиз кексалар, боқувчисини йўқотган оилалар — ўзгалар кўмагига муҳтож кишиларни ўз электорати, деб белгилади ҳамда улар манфаатлари учун курашишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Айни пайтда партиянинг парламент озчилиги мухолифати мақомидаги Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ушбу мақсадларга тўла эришишнинг қонуний асосларини мустаҳкамлашда фаоллик ва ташаббус кўрсатиб келаяпти.

Фракция ташаббуси билан ташкил этилган давра суҳбати Президентимизнинг Ўзбекистон ХДП электорати манфаатларини ҳимоялашнинг муҳим ҳуқуқий асосларидан бири бўлган — «2007-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Қарорининг ижроси юзасидан мутасадди вазирлик ва идоралар амалга ошираётган ишлар таҳлилига бағишланди.

Актам ҲАЙТОВ, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири вазифасини бажарувчи:

— Миллий қадриятларимиз асосида жамиятимизда кекса авлод вакиллари, айниқса, ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Бу борада Президентимиз ва ҳукуматимизнинг қатор қарорлари қабул қилинаяпти. Биз бугун ижросини муҳокама қилаётган Қарор шулар жумласидандир.

Унинг бажарилишини таъминлаш борасида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоят, туман (шаҳар) ҳокимликлари, турли жамоат ташкилотлари томонидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Ижтимоий таъминот бўлимлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан якка-ёлғизлар ва уларнинг шарт-шароитлари қайта ўрганилиб, 30838 нафар ёлғиз фуқаро рўйхатга олинди.

Шундан 23,3 минг нафари уйида ижтимоий хизмат билан қамраб олинди. Ҳар бир якка-ёлғизга ҳар ойда қўшимча 55 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Бу олдинги йилга нисбатан 1,5 баробар кўпдир.

Саховат уйларида қарийб 1,2 минг нафар якка-ёлғизлар тўлиқ давлат таъминотига олинган. Улар йилига 2 марта диспансер кўригидан ўтказилиб, соғломлаштирилмоқда.

Муҳтож ёлғизларнинг 840 нафари протез-ортопедия маҳсулотлари ва реабилитациянинг техник воситалари билан таъминланиб, тўлақонли ҳаётга қайтарилди.

2-бет

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАҲОН ПАХТА БОЗОРИДАГИ НУФУЗИ ЮКСАЛМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шуниси диққатга сазоворки, сўнгги йилларда тўқимачилик саноати барқарор ривожланаётган Осиё давлатлари, хусусан, Хитой, Бангладеш, Корея Республикаси ва бошқа мамлакатларга энг юқори сифат кўрсаткичларига эга пахта толасини экспорт қилиш кўпаймоқда. Илгари бўлиб ўтган иккита халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасида узоқ муддатли самарали ҳамкорлик асослари яратилган эди. Ана шу анжуманлар туфайли пахта етиштириш, уни қайта ишлаш ва сотиш билан шуғулланувчи барча мамлакатлар ва ташкилотлар ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилди. Бу йилги учинчи ярмарка, конференция иштирокчилари фикрича, ана шу бевосита алоқаларни кенгайтириш, янги алоқалар ўрнатиш ҳамда Ўзбекистоннинг жаҳон хўжалик муносабатларидаги иштирокини, халқаро пахта бозоридаги нуфузини янада ошириш имконини беради.

— Ўзбекистон — жаҳон бозорида ишончли ва барқарор пахта етказиб берувчи мамлакат сифатида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшмоқда, — деди конференцияда сўзга чиққан Пахта бўйича халқаро маслаҳатлашув қўмитаси директори Т.Таунсенд. — Мамлакатингиз пахта толаси сифатини оширишга доимий эътибор қаратгани ҳолда бу соҳага оид барча халқаро тадбирларда фаол иштирок этмоқда, пахта етиштириш технологиясини такомиллаштириш, юқори сифат кўрсаткичларига эга пахта толаси ишлаб чиқаришни кўпайтиришга йўналтириладиган сармоялар ҳажмини оширмоқда.

«Cotton Outlook» журнали бошқарувчи директори Р.Батлер пахтачилик ва тўқимачилик саноати ривожланиши жараёнларига халқаро талаблар нуқтаи назаридан умумий ёндашув Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришда муҳим омил бўлади, дея қайд этди. Бу соҳаларда мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилган улкан ижобий ўзгаришлар бунинг яққол далилидир. Жаҳон пахта бозоридаги кучли рақобат шароитида Ўзбекистон унинг энг етакчи иштирокчиларидан бири мақомини олди. Шу туфайли айнан Тошкент жаҳоннинг пахта савдоси марказига айланиб, Ўзбекистон ўзининг кучли нарх сиёсатини юритмоқда. Айни пайтда мамлакатда пахта истеъмоли бўйича ички бозорни, тўқимачилик соҳасини жадал ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Конференцияда сўзга чиққан «Cotton Outlook» журналининг бош директори Г.Фишер, Хитойнинг «Tianjin Cotton Exchange Market Co. Ltd» компанияси бош директори Б.Южань, Халқаро пахта уюшмасининг биринчи вице-президенти Э.Херстхаус, «Русское хлопковое сообщество» президиуми аъзоси Н.Качалов, Туркия Пахтани қайта ишловчилар уюшмаси бошқаруви аъзоси И.Қояжан, Бангладешда чоп этиладиган «Cotton Bangladesh» журналининг бош муҳаррири К.Ахсан, Покистон тўқимачилик корхоналари уюшмаси котибияти аъзоси А. Ул Ҳақ, Ҳиндистоннинг «Gill & Co.Pvt.Ltd» компанияси директори М. Шах ва бошқалар ўзбек пахтасининг юқори сифати унинг харид қилиш ҳажмининг ошишида ва бевосита алоқаларнинг йўлга қўйилишида муҳим омил бўлаётганини таъкидладилар. Бундай ҳамкорлик асоси – Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарорлиги, хорижий ҳамкорлар учун кафолатланган шарт-шароитлар яратилгани билан бевосита боғлиқдир.

Халқаро конференция иштирокчилари турли мамлакатлар ва минтақалардаги пахта бизнесининг бугунги ҳолати ва истиқболига оид масалаларни муҳокама қилдилар. Пахтачилик ва тўқимачилик саноатида жаҳон бозори эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда нарх белгилаш, ишлаб чиқариш ва маркетинг масалалари ҳам кўриб чиқилди. Ўзбекистоннинг пахта бозоридаги етакчилардан бири сифатида, унинг конъюнктурасини шакллантиришда муҳим роль ўйнаши таъкидланди. Мамлакатимизнинг иқтисодиётдаги кенг кўламли ислоҳотларга асосланган ютуқлари кўплаб давлатларга ўрнак бўлиши мумкинлиги эътироф этилди. Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ўзгаришлар иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, унга сармоялар жалб этиш, рақобатбардош маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш ва аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

III Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси 18 сентябрда ўз ишини бошлайди.

Анна ИВАНОВА,
ЎзА мухбири

Суратларда: *тадбирдан лавҳалар.*

Сарвар ЎРМОНОВ
(ЎзА) олган суратлар

СЎЗ – АНЖУМАН ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Тошкентда 17 сентябрь куни бўлиб ўтган IV Халқаро пахта ва тўқимачилик конференциясида дунёнинг кўплаб мамлакатларидан йирик тўқимачилик корхоналари вакиллари ва трейдерлар иштирок этди.

ЎзА мухбирлари уларнинг айримлари билан суҳбатда бўлди.

Россиянинг «FCA Comexim» компанияси трейдери Павел МАЙОРОВ:

— Компаниямиз бир неча йилдан бери Ўзбекистон билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Конференция юксак савияда ташкил этилганини алоҳида таъкидламоқчиман. Иштирокчилар ўзбек пахтасининг юқори сифатини таъминловчи омиллар билан танишиш ҳамда соҳа юзасидан фикр ва тажриба алмашиш имконига эга бўлдилар. Анъанавий Ўзбекистон пахта ярмаркаси ҳамда пахта ва тўқимачилик конференциясининг халқаро аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Жаҳонда юқори сифати билан ажралиб турувчи ўзбек пахтасининг мавқеи жуда баланд. Шу боис у ғоят харидоргир. Буни мазкур анъанавий тадбирларда иштирок этаётган хорижлик трейдерлар сони йилдан-йилга кўпаяётганидан ҳам билса бўлади.

Хитойнинг «Shangdong Mengyin Cotton Textile» компанияси вакили Шенг ЖИАТАО:

— Ўзбекистон пахтачилик саноати соҳасидаги энг ишончли ҳамкорларимиздан. Компаниямиз фаолияти тўқимачилик билан боғлиқлиги сабабли ўзбекистонлик пахта етказиб берувчилар билан бевосита алоқа ўрнатишдан жуда манфаатдормиз. Ўзбек пахтасининг сифати аъло. Ярмаркада шартномалар тузиш ниятидамиз. Тошкентда ўтказилаётган анъанавий халқаро ярмарка нафақат Ўзбекистон иқтисодиётини тараққий эттиришга, балки жаҳон пахта савдосини ривожлантиришга ҳам катта ҳисса қўшади. Мамлакатингизнинг тўқимачилик корхоналари билан ҳамкорлик ўрнатиш истагимиз бор.

Бангладешнинг «Mahmud Group» компанияси раҳбари Гази Маҳбубул АЛАМ:

— Ярмаркада биринчи бор иштирок этяпмиз. Бангладешда ҳам пахта етиштирилади, пахтани қайта ишлаш заводларимиз ҳам бор. Шундай бўлса-да, ўзбек пахтасига талаб ниҳоятда юқори. Чунки тўқимачиликда пахта толасининг сифати улкан аҳамиятга эга. Биз ўзининг юксак сифати ва пишиқлиги билан жаҳонга машҳур ўзбек пахтасини илгари ҳам харид қилар эдик. Аммо шу пайтгача уни воситачилар орқали, бошқа мамлакатлардаги трейдерлардан сотиб олардик. Энди эса бу ишни бевосита ўзбек заминида, пахта ишлаб чиқарувчиларнинг ўзидан харид қилмоқдамиз. Ўйлайманки, ярмарка самарали мулоқотларни йўлга қўйишимиз, бундан ташқари, компаниямиздаги ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун катта имкониятлар яратади.

Покистоннинг «Cotcot International» компанияси трейдери Носир ЧАУДРИ:

— Шу пайтгача биз ўзбек пахтасини «учинчи қўл»дан сотиб олар эдик. Бу муайян қийинчилигу ортиқча сарф-харажатларни келтириб чиқарар эди. Ҳозир уни тўғридан-тўғри етказиб беришга имкон яратилди. Ўзининг сифати билан жаҳонга машҳур ўзбек пахтасининг қадри Покистонда ҳам жуда баланд. Мақсадимиз анъанага айланган мазкур конференция ва ярмаркада фаол иштирок этиб, ўзимиз учун янги шериклар топиш, улар билан истиқболли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишдан иборат.

Бирлашган Араб Амирликларининг «Pioneer shipping agency» компаниясининг вакили Прашант УППОНИ:

— Халқаро экспертларнинг фикрича, ўзбек пахтаси ўзининг сифати жиҳатидан жаҳонда энг юқори ўринларда туради. Сўнгги йилларда Ўзбекистон пахта саноатини ривожлантириш борасида юксак натижаларга эришди. Буни мазкур конференция ва ярмарка мисолида ҳам кўриш мумкин.

Сингапурнинг «TL Way Texco» компанияси раҳбари Кришнан РАМАМУРТИ:

— Бизнинг компания ярмаркада биринчи бор иштирок этмоқда. Бу бизнинг ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорлигимизни мустаҳкамлашда жуда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Ярмаркада дунёнинг кўплаб мамлакатларидан вакиллар қатнашишининг ўзиёқ ўзбек пахтасининг шуҳрати дунё бўйлаб кенг ёйилаётганидан далолатдир. III Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси жаҳон пахта ҳамжамияти фаолиятидаги ёркин воқеадир. У томонларнинг ўзаро ҳамжиҳатлигини янада мустаҳкамлаш, ўзаро фойдали муносабатларни кенг йўлга қўйишга хизмат қилади.

ЎзА мухбирлари
Нодира МАНЗУРОВА,
Ирода УМАРОВА
ёзиб олди.

ЁЛҒИЗ КЕКСАЛАР, ПЕНСИОНЕР ВА НОГИРОНЛАР

МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТНИНГ МУҲИМ ВАЗИФАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ижтимоий хизмат кўрсатиш сифати ва самарасини ошириш мақсадида қатор янги технологияларни амалиётга жорий қилиш орқали фуқароларга ижтимоий хизмат кўрсатишнинг янги тизими яратилди. 31 та реабилитация техник воситалари (ногиронлик аравачалари, эшитиш мосламалари, ҳасса, қўлтиқтаёқлар, «ходуноклар»)ни ижарага бериш пунктлари ташкил этилди. Тошкент шаҳрида «Ҳаракатланишда қийналаётган фуқароларга бепул транспорт хизмати кўрсатиш» тизими жорий қилинди. Тошкент вилоятида «Ижтимоий томорқа» тажрибаси қўлланилди. Натижада вилоятдаги 3214 нафар ёлғизнинг 13,3 га томорқасига ижтимоий хизмат кўрсатиш ходимларининг кучи билан ишлов берилмоқда.

Қашқадарё вилоятида ёлғизларга индивидуал ижтимоий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш мақсадида «кичик ҳажмдаги уй» тизими амалиётга киритилди. Ушбу тажриба Наманган вилоятида ҳам жорий қилинди. Самарқанд шаҳрида «Уйда санаторий» лойиҳасини амалга ошириш устида ишланаяпти.

Шу билан бирга, дастур ижросини таъминлашда камчиликларга йўл қўйиш ҳоллари ҳам кузатилмоқда. Ўрганишлар натижаси кўрсатдики, дастур чора-тадбирларининг мувофиқлашган ҳолда ижросини ташкиллаштириш, рўёбга чиқарилган ишларнинг таҳлилини олиб бориш, масъул ижрочиларга тегишли таклиф ва кўрсатмалар бериш, дастур ижроси назоратини олиб бориш ишлари афсуски, айрим жойларда кўнгилдагидек эмас.

Баҳром МЎМИНОВ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги бошқарма бошлиғи:

— Соғлиқни сақлаш тизимидаги барча муассасаларда пенсионер, ногиронлар мунтазам равишда тиббий кўрикдан ўтказилиб, бемор деб топилганлар амбулатор ва стационар шароитда соғломлаштирилади. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 29938 нафар ёлғиз кекса, пенсионерлар тиббий кўрикдан ўтказилиб, бемор деб топилганларнинг 7354 нафари соғломлаштирилди. Бундан ташқари, Республика терапия ва тиббий реабилитация ИТИ клиникаси ва шохобчаларида ҳар йили 1000 нафардан ортиқ фуқаролар имтиёзли асосда ётқизилиб, саломатлигини тикламоқда. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида 808 нафар бемор соғломлаштирилди. Шундан 321 нафари пенсионер, 48 нафари иккинчи-жаҳон уруши қатнашчиси, 369 нафари I-II гуруҳ ногиронлари, 4 нафари Чернобиль ҳалокатини бартараф этишда қатнашганлар, 53 нафари ёлғиз қариялардир.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2005 йилда Тошкент шаҳар «Нуроний» касалхонаси негизида 150 ўринли Республика геронтология маркази ташкил қилинди. Марказда иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, ногиронлар, Чернобиль ҳалокатини бартараф этишда иштирок этганлар, пенсионерлар ҳамда «Нуроний» жамғармаси фахрийлари даволанишлари учун йўлланмалар ажратилади.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликларининг қўшма буйруғи асосида пенсионер, кам таъминланган оила аъзолари, ногиронлар орасида кўз касалликлари (катаракта) билан хасталанган беморларни даволаш, реабилитация қилиш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Меҳнат вазирлиги ҳомийлар ҳисобидан сунъий гавҳар сотиб олади. Соғлиқни сақлаш вазирлиги эса жарроҳлик амалиётларини ўтказади. 2004 йилдан шу кунга қадар 5000 га яқин шу тоифадаги беморларга кўз нури қайтарилди.

2002 йилдан бошлаб «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК, «Экосан» халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда юртимизнинг турли минтақаларига «Саломатлик» поезди жўнатилаяпти. Ушбу тадбир орқали республикамизнинг чекка жойларида истиқомат қилувчи юқоридаги каби фуқаролар ҳамда ногирон болаларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш мақсадида вазирлик малакали мутахассисларни сафарбар қилмоқда.

Шунингдек, «Нуроний» жамғармаси Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Шуҳрат Усмонов, Ногиронлар жамияти раиси ўринбосари Чори Холмуродовлар ҳам мазкур дастур асосида меҳр-мурувват, қўллаб-қувватлашга муҳтож фуқароларга бир қанча имтиёзлар яратилганини таъкидладилар. Келгусидаги вазифалар ҳақида ўз фикрларини билдирдилар. Шундан сўнг қизғин савол-жавоблар бошланди.

Савол: — Аҳолининг муҳтож қатламини қўллаб-қувватлашда ҳомийларнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигида ҳомийлик ишларини мувофиқлаштириш бўйича тизим яратилганми?

Жавоб (А.Ҳаитов): — Мамнуният билан таъкидлаш керакки, юртимизда саҳоватли инсонлар кўпайиб бораяпти. Ҳомийларни излаб, топиш ва уларга қулай шароитлар яратиш борасида вазирлик томонидан ишлар олиб борилади. Албатта, уларни маънавий рағбатлантириб борамиз, миннатдорчилигимизни билдирамиз. Кўнгилдан чиқариб, холис, беғараз ёрдам кўрсатаётганликлари учун кўпчилик номларини ошкор қилишни хоҳламайди. Биргина рақамни келтирай. «Мурувват» ва «Саховат» уйларининг ҳолатини яхшилаш учун бу йил давлат бюджетидан 5,2 млрд. сўм ажратилган. Бу ўтган йилдагидан икки марта кўп. Ҳомийлик маблағлари эса 3 млрд. атрофида тушиши мўлжалланаяпти. Бу ҳам ўтган йилгидан 2-2,5 баробар кўп.

Савол: — «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурида Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги «Мурувват» уйига маблағ ажратиш назарда тутилган эди. Чунки, унинг биноси ҳақиқатдан ҳам ачинарли аҳволга келиб қолган. Яқин атрофда бошқа бундай муассаса йўқ. Аммо, ҳали унга маблағ ажратилмади.

— Ушбу «Мурувват» уйининг бир қисми (яшаш хоналари)ни таъмирдан чиқардик. Бошқа биноларини таъмирлаш ишлари олиб борилаяпти. Яқин уч йил ичида бу «Мурувват» уйини барча талабларга жавоб берадиган даражага чиқарамиз. Ҳозир ҳам аҳвол яроқсиз эмас. Имкон қадар шароитларни яхшилашга ҳаракат қилаяпмиз.

Савол: — Кўпчилик ногиронларнинг аравачалари биров ёрдамида ҳаракатланади. Аммо, эҳтиёж кўпроқ ўзи юрадиган аравачаларга. Шуни Ўзбекистонда ишлаб чиқариш имкониятлари қандай? Баъзи ногиронлар бундай аравачаларни ўзлари сотиб олишга тайёр.

— Ногиронлик аравачаларини уч-тўрт йил олдин Ўзбекистоннинг бир неча корхоналарида ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Ҳар йили бундай аравачаларга 2500-3000 янги эҳтиёж пайдо бўлади. Бюджетдан шу мақсадда ажратилган маблағ 1500 та аравача ишлаб чиқаришга етади. Қолган қисмини ҳомийлар маблағлари орқали таъминлаяпмиз. Бугунги кунда эҳтиёжманд ногиронларнинг 95 фоизи аравачалар билан таъминланган. Кейинги йилдан буни юз фоизга чиқаришни вазифа қилиб қўйганмиз...

Булардан ташқари, депутатларни ногиронларга ажратилаётган бюджет маблағларининг айрим ҳолларда талонторож бўлаётгани, «Мурувват», «Саховат» уйларини таъмирлаш масалалари, кексалар, ногиронлар ва пенсионерларни бепул дори-дармонлар билан таъминлашнинг аҳволи билан боғлиқ кўплаб саволлар қизиқтирди. Унга **молия вазирининг ўринбосари Жамшид Кўчқоров** жавоб қайтарди. ЎзХДП фракцияси аъзолари мазкур тадбирни тайёрлаш чоғида пойтахтимиз ва Тошкент вилоятидаги «Мурувват», «Саховат» уйларида, Уруш ва меҳнат фахрийлари республика пансионатида бўлишиб, у ердаги аҳвол, яратилган шарт-шароитлар билан танишган эдилар. Суҳбат чоғида у ерда қилинган ишлар эътироф этилди, бу йўналишдаги фаолиятни янада такомиллаштириш борасида таклифлар ўртага ташланди. Президент қарори ижросини янада такомиллаштириш, бу борада тегишли вазирлик, идоралар ҳамда депутатлар, Ўзбекистон ХДП ташкилотлари ва жамоатчиликнинг иштирокини кучайтириш юзасидан таклифлар ўртага ташланди.

Беҳзод ШУКУРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири
Козим ЎЛМАСОВ
олган суратлар

ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди

Унда дастлаб «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Мазкур лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган. Қонун лойиҳасида мажбурий суғурталашни амалга ошираётган суғурталовчиларга талабларни белгилаш, суғурта суммаси тақсимоти, йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлиши натижасида зарар кўрган юридик ва жисмоний шахсларга суғурта товонини тўлаш назарда тутилган. Транспорт воситалари эгаларининг жавобгарлигини мажбурий суғурталаш бўйича тўловларни кафолатлаш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш қоидалари ҳам ўрин олган.

Шу вақтга қадар ҳам транспорт воситалари эгаларининг жавобгарлигини суғурталаш амалиёти мавжуд эди. Аммо, қонун даражасида тартибга солинмагани учун бу тизим самарали ишламаётганди. Қонуннинг қабул қилиниши йўл-транспорт ҳодисалари вақтида жабр кўрганларга етказилган зарарни тўлашни кафолатлайди.

Мазкур қонуннинг амалиётда қўлланиши айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритишни талаб этади.

Шу сабабли депутатлар биринчи ўқишда киритилган «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини ҳам кўриб чиқдилар.

Лойиҳада Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексни 135'-модда билан тўлдириш унинг бир неча моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, маъмурий жавобгарлик бўйича жарима миқдорини ошириш, мансабдор шахсларга нисбатан жиддийроқ жазо чорасини қўллаш, Фуқаролик кодексининг 934-моддасига ҳамда «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 26-моддасига тегишли қўшимча киритиш таклиф этилмоқда.

Фракция аъзолари Қонунчилик палатаси муҳокамасига биринчи ўқишда кўриб чиқиш учун киритилаётган «Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ҳам муҳокама қилдилар.

«Ўзбекистон Республикасининг Почта тўловлари хизматлари тўғрисидаги Битимга (Бухарест, 2004 йил 5 октябрь) қўшилиши ҳақида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Депутатлар мазкур қонуннинг қабул қилиниши идоралараро битимлар бўйича давлатлар ўртасида пул маблағларининг почта ўтказмаларини амалга ошириш ҳамда почта тармоғи орқали пул маблағларини ўтказиш борасида Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар фуқароларининг эҳтиёжларини қондиришга имкон яратишини таъкидладилар.

Шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 542-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокама этилди.

Йиғилиш кун тартибидан ўрин олган барча масалалар юзасидан фракциянинг позицияси белгилаб олинди.

ЎзХДП: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

ТАРҒИБОТ ИШЛАРИ

сиёсий партия фаолиятининг асосий йўналишларидан бири

Энг улуғ, энг азиз байрам — мустақилликнинг 16 йиллик шодиёналари мамлакатимиз бўйлаб ҳали давом этаяпти. Тадбирлар Президентимизнинг «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» мавзуидаги маърузасининг мазмун-моҳиятини ўрганиш, унда таъкидланган Ўзбекистоннинг буюк тарихий ўзгаришлари, ютуқларини кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этиш билан ҳамоҳанг ўтаётгани алоҳида аҳамиятга эга.

Партиямизнинг Янгиариқ туман кенгаши томонидан ташкил қилинган байрам тадбирига уруш ва меҳнат фахрийлари, кексалар ҳамда Истиқлолга тенгдош ёшлар таклиф этилди. Сўзга чиққанлар халқимизнинг тарихий ютуғи — мустақилликнинг неъматлари ҳақида алоҳида тўхталдилар. Фахрийлар истиқлол берган имкониятларни ўз ҳаётларидаги мисоллар билан гапириб бердилар. Тадбир доирасида ҳунармандчилик, кулолчилик ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кўргазмаси ташкил этилди.

Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши томонидан Президентимиз маърузасини ўрганиш ва мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтиришга бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Суҳбатда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Сенати аъзолари, туман ва шаҳар партия кенгашлари раислари, давлат ҳокимияти вакиллик органларига партиямиздан сайланган депутатлар, фаоллар иштирок этдилар. Сўзга чиққанлар маърузада келтирилган рақамлар, эришилган ютуқлар замирида халқимизнинг фидокорона меҳнатлари ётганлигини таъкидладилар.

— Мамлакатимиз Президентининг маърузасида кўтарилган ғояларни фуқароларимизга тушунтириш ишларини ташкил этиш мақсадида бошланғич партия ташкилотлари раислари иштирокида ишчи гуруҳлари тузиш, жойларда аҳоли билан учрашувларни кўпроқ ўтказишимиз керак, — дейди Урганч шаҳар Маънавият тарғибот маркази раҳбари Гулнора Раджапова. — Тарғиботчи гуруҳларга амалий ёрдам кўрсатиш, Президентимиз маърузасининг ҳар бир йўналиши бўйича алоҳида фаолларни тайёрлашимиз зарур.

— Ҳар бир партия ташкилоти фаоллар қилиши лозим бўлган тадбирлар режасини ишлаб чиқиши керак, — дейди Урганч шаҳридаги 18-мактаб директори, шаҳар Кенгаши депутати Маряжон Алимова. — Айниқса, умумтаълим мактабларида кўпроқ учрашувлар ўтказиш, уларда жойлардаги бунёдкорлик ишлари ҳақида аниқ ва жонли мисоллар билан гапириб бериш лозим.

Ўзбекистон ХДП Навбаҳор, Конимех, Нурота, Томди, Учқудуқ, Кармана, Хатирчи ва Қизилтепа туман кенгашлари туман хотин-қизлар қўмиталари, маҳаллий вакиллик органларига ХДПдан сайланган депутатлар, партия фаоллари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари иштирокида Президентимизнинг «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» номли маърузаси мазмун-моҳиятини хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида кенг тарғиб этишга бағишланган давра суҳбатлари ва учрашувлар ташкил этди. Ўтган 16 йил ичида халқимизнинг қўлга киритган улкан ютуқлари замирида ётган тинимсиз изланишлар самарасини ўзида акс эттирган маърузани партия аъзолари, электорат ва хайрихоҳлар орасида кенг тарғиб қилиш бўйича устувор вазифалар белгиланди.

Ўзбекистон ХДП МК
матбуот хизмати

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

ҒАМХЎРЛИК ВА ЭЪТИБОР НАМУНАСИ

Мамлакатимиздаги Меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатларга «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқарилган 86 та «ISUZU» автобуслари совға қилинди

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт. Шу маънода, уларни етук инсонлар этиб вояга етказиш, бахти ва камоли учун ҳеч нарсани аямаслик давлатимиз ва жамиятимизнинг устувор вазифаларидан бири этиб белгиланган бугун ўз самарасини бермоқда. Бундан ўн йил муқаддам буюк келажакни кўзлаб қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури юртимизда ҳар томонлама соғлом, баркамол авлодни камол топтиришда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ушбу ҳужжатларга мувофиқ мамлакатимизда тиббий-ижтимоий ҳолатидан қатъи назар, барча ўғил-қизларнинг пухта таълим, мукаммал тарбия олишлари учун етарли шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Меҳрибонлик уйлари ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, боқувчисидан маҳрум бўлган болаларга эътибор ва ғамхўрлик кучайди. Айниқса, «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида бундай эзгу ишлар кўлами янада кенгайди.

Маълумки, бугунги кунда Халқ таълими вазирлиги тизимида 28 та Меҳрибонлик уйи, 18 та кам таъминланган оила фарзандлари учун мўлжалланган, 23 та санаторий типидаги мактаб-интернатлар ҳамда жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун 86 та махсус мактаб-интернатлар фаолият кўрсатмоқда. Давлат дастурига асосан, мазкур муассасалар реконструкция қилиниб, капитал ва жорий таъмирдан чиқарилмоқда, тарбияланувчиларнинг яшаш ва таълим олиш шароитларини яхшилаш борасида қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, ушбу ҳужжатга мувофиқ, мазкур таълим муассасаларини Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқарилаётган автобуслар билан таъминлаш ҳам кўзда тутилган бўлиб, шу мақсадда Дастур доирасида тўрт ярим миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

Мазкур автобусларни белгиланган таълим муассасаларига етказиб бериш юзасидан Халқ таълими вазирлиги ва Самарқанд автомобиль заводи ўртасида шартнома тузилган эди. Унга кўра, мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллик байрами арафасида 28 та «ISUZU» автобуслари республикамиздаги Меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатларга топширилган эди. Куни кеча яна 86 та автобус худди шундай муассасаларга етказиб берилди. Бу хайрли ишнинг муборак Рамазон кунларида амалга оширилиши болаларга олам-олам қувонч бахш этди.

Шу жумладан, Тошкент шаҳридаги барча Меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатлари ҳам ўзларининг янги автобусларига эга бўлди. Бу эса барча муассасаларда катта шодиёнага айланиб кетди.

Жумладан, биз Ҳамза туманидаги 30-Меҳрибонлик уйида ҳам худди шундай тантананинг гувоҳи бўлдик. Байрамона безатилган муассаса ҳовлисида ушбу маскан болалари билан бирга унга ёнма-ён жойлашган 103-махсус мактаб-интернат тарбияланувчилари ҳам бир сафда тизилиб туришарди. Барчаси чиройли кийинган, юз-кўзларида қувонч балқиб турибди. Ва ниҳоят, майдончага автобуслар кириб келди. Атрофни болажонларнинг олқишлари, шодон ҳайқириқларию мусиқа садолари тутиб кетди. Болажонларнинг шўх-шодон куйлашлари, рақса тушишлари йиғилганларни тўлқинлантириб юборди.

Тадбирда сўзга чиққан Ҳамза туман халқ таълими бўлими мудири Абдуманноб Собиров, 103-махсус мактаб-интернат директори Александр Пак ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар босқичма-босқич ва изчил давом этаётгани, унинг самараси ўлароқ юртимизда соғлом ва баркамол авлодни камол топтиришга жиддий эътибор қаратилаётганини таъкидладилар.

— Айни пайтда муассасамизда 120 нафар ўғил-қиз таълим-тарбия олаётган бўлиб, бунинг учун етарли шароит ва имкониятлар яратилган, — дейди 30-Меҳрибонлик уйи директори Гулнора Ҳабирхонова. — Бизда ҳар бир тарбияланувчи доимий эътиборда. Ўқувчиларга таълим-тарбия бериш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш баробарида қобилияти ва лаёқатига қараб касб-ҳунарга йўналтирилади. Бизга тақдим этилган автобуслар имкониятларимизни кенгайтиради. Ҳукуматимизнинг бундай эътиборидан бошимиз осмонга етди, кўриб турганингиздек барча бирдек мамнун.

Бир қараганда оддий бўлиб туюладиган бу ғамхўрлик замирида инсонпарварлик, болаларга меҳр-эътиборнинг яна бир ёрқин намунасини кўриш мумкин. Бу автобуслар болаларнинг турли тадбирларга жамоа бўлиб бориши, байрам тадбирлари тўйларига хизмат қилади.

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БЕШ НОМЗОД
КУРАШ ОЛИБ БОРИШИ МУМКИН

Россия Федерацияси президенти Владимир Путин «Валдай» мунозара клубида бўлиб ўтган учрашувда шуни маълум қилдики, мамлакат президентлиги учун бўладиган сайловда беш киши номзод сифатида кураш олиб бориши мумкин экан. Аммо, — дейилади «Вести» телеканали хабарида, — давлат бошлиғи уларнинг номларини ошкор этмади.

Экспертларнинг айтишларича, улар Виктор Зубков (мамлакатнинг янги бош вазири), Сергей Иванов, Дмитрий Медведев, Сергей Чемезов («Росмудофааэкспорт» раҳбари), Владимир Якунин («Россия темир йўллари» ОАЖ раҳбари) бўлиши мумкин экан.

МОБИЛЬ ТЕЛЕФОНЛАРИ ОРҚАЛИ
ЙЎЛКИРА ТЎЛАНАДИ

Бельгиянинг Антверпен шаҳри жамоат транспортида, аниқроғи, трамвайда йўлкира тўловини мобиль телефонлари орқали амалга оширган Европадаги биринчи шаҳардир, деб хабар беради «Булитин» журнали.

Шаҳар транспорт компанияси ушбу лойиҳага катта умид билан қараяпти, яъни жамоат транспорти узилишларсиз, жадвал бўйича ишлашига замин яратади, дея баҳоламоқда.

Журналда ёзишларича, йўловчилар эндиликда телефон компаниясига «SMS» жўнатса бас, шу заҳоти у ёқдан «электрон чипта» келади. Чиптанинг пулини эса телефон компанияси абонентлардан йиғиб олади ва транспорт компаниясига ўтказиб беради.

XORIJDA

ДУНЁВИЙ ТАЪСИР КУЧИ
КАМАЙИБ БОРМОҚДА

Яқинда «The Washington Post» газетаси «Таъсир кучининг глобал барометри» дея номланган тадқиқот натижаларини эълон қилди. Маълум бўлишича, АҚШ ўзининг дунёвий таъсир кучини йўқотиб бормоқда, унинг ўрнини Россия, Хитой, Эрон ва Венесуэла сингари давлатлар эгалламоқда экан.

Тўғри, АҚШ ҳарбий салоҳияти жиҳатидан ҳали кучли, бироқ Россия ва Хитой Марказий Осиёда, Кавказда, Африкада ва ҳатто Жанубий Америкада ўзининг энергетик алянсини ташкил этиб, ўз таъсир кучи билан АҚШни ортда қолдирди, дейилади тадқиқот натижаларида.

БРИТАНИЯНИНГ ИРОҚДАГИ ҚЎШИНИ
ЯРМИГА ҚИСҚАРАДИ



Буюк Британиянинг Ироқдаги ҳарбий қўшини шу йил декабрда тенг ярмига қисқаради, яъни 2500 кишилик қўшин Қувайт давлатига кўчирилади. Бу ҳақда «Daily Telegraph» газетаси хабар чоп этди.

Унда ёзилишича, Британия бирлашган штаби бошқармасининг бир гуруҳ зобитлари ўтган ҳафта Басрада бўлиб, Ироқда қанча Британия қўшинига эҳтиёж борлигини ўрганишди. Ушбу гуруҳ ўз хулосаларини Буюк Британия бош вазири Гордон Браунга тақдим этади. Бош вазир эса Ироқдаги кўпмиллатли кучлар қўмондони, америкалик генерал Дэвид Петрэус ва АҚШнинг Бағдоддаги элчиси Райан Крокер (улар шу ҳафта Лондонга ташриф буюрадилар) билан айнан шу масала бўйича музокара ўтказади. Сўнг унинг натижаларини ва раҳбарият хулосаларини мамлакат парламенти эътиборига ҳавола этади.

Бугунги кунда Британиянинг 5 минг кишилик қўшини Басра аэропорти ҳудудида фаолият кўрсатмоқда.

Қувайтга кўчирилган ҳарбийлар эса Американинг Ироқдаги қўшини учун мўлжалланган жўнатмаларни (улар Қувайт орқали олиб ўтилади) кўриклаб борадилар, шунингдек, Ироқ ҳарбийларини ўқитиш ва тайёрлаш жараёнларида иштирок этадилар.

Яна бир гап. Пентагон раҳбари Роберт Гейтс Вашингтонда ўтказилган матбуот анжуманида 2008 йил охиригача Американинг Ироқдаги ҳарбий контингенти сонини 100 минг нафаргача қисқартириш таклифини билдирди. Унинг фикрича, Ироқда вазият ўзгаради, бу эса АҚШ президенти Жорж Буш баёнотида айтилган миқдордан ҳам кўпроқ ҳарбийларни олиб чиқиб кетиш имконини беради ва бунга умид билдирмоқда.

Маълумки, генерал Дэвид Петреус томонидан тақдим этилган Американинг Ироқдаги контингентини 20 та бригададан 15 та бригадагача қисқартириш ҳақидаги режасини 13 сентябрь куни Жорж Буш маъқуллаган. Шундан сўнг, АҚШ президенти телевидение орқали чиқиш қилиб, Рождество байрамигача 5700 нафар ҳарбий уйларига қайтишини ваъда қилган. 2008 йил июлгача эса камида 21 минг 500 нафар ҳарбий Ироқдан олиб чиқиб кетилади.

«Associated Press» АА маълумотида қайд этилишича, ҳозирги кунда Ироқда ҳаммаси бўлиб, 168 минг америкалик ҳарбий хизмат қилмоқда.

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

Жиззах вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси қуйидаги объектлар бўйича танлов савдоси ўтказилишини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

2008 йил Манзилли дастурига киритилган соғлиқни сақлаш соҳаси объектлари:
ЛОТ №1:

ЛОТ-1/1	Жиззах вилояти, Зомин тумани, «Боғишамол» ҚФЙдаги 1000 кишидан 2000 кишигача аҳолига хизмат кўрсатувчи қишлоқ врачлик пункти қурилиши
ЛОТ-1/2	Жиззах вилояти, Зомин тумани, «Лалмикор» ҚФЙга қарашли «Равот» маҳалласидаги 1000 кишидан 2000 кишигача аҳолига хизмат кўрсатувчи қишлоқ врачлик пункти қурилиши
ЛОТ-1/3	Жиззах вилояти, Зафаробод тумани, «Чимқўрғон» ҚФЙдаги қишлоқ стационар поликлиникасини реконструкция қилиш

2008 йил Манзилли дасурига киритилган халқ таълими соҳаси объектлари:
ЛОТ №1:

ЛОТ-1/1	Жиззах вилояти, Ғаллаорол тумани, Конгли қишлоғидаги 410 ўқувчи ўринли 27-сонли мактабни филиали билан капитал реконструкция қилиш ва 12х24м спорт зали қурилиши.
ЛОТ-1/2	Жиззах вилояти, Ғаллаорол тумани, Қашқабулоқ қишлоғидаги 420 ўқувчи ўринли 91-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш ва 12х24м спорт зали қурилиши
ЛОТ-1/3	Жиззах вилояти, Жиззах тумани, Қаҳрамон маҳалласидаги 380 ўқувчи ўринли 27-сонли мактабни капитал реконструкция қилиш ва 12х24м спорт зали қурилиши.

Ишларни тугаллаш муддати: **2008 йил 1 августгача.**
Буюртмачи манзили:
Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 100-уй.
Телефон: (8372) 222-31-59, 222-30-11.

Ишларни молиялаштириш — давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси — Жиззах вилояти Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин.

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 63-уй, 426-хона. Тел/факс: 226-14-66.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

9-СОНЛИ ҚУРИЛАЁТГАН КОРХОНАЛАР БИРЛАШГАН ДИРЕКЦИЯСИ

қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича очиқ танлов савдосини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ, ЧОРТОҚ ТУМАНИДАГИ ЧОРТОҚ СУВ ОМБОРИНИНГ ЧАП ҚИРҒОҚ ТУТАШУВИНИ ҚАЙТА ҚУРИШ

Қурилишни якунлаш муддати — 312 иш куни.

Буюртмачи: **Наманган шаҳри, Ибрат кўчаси, 33-уйда жойлашган 9-сонли қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси. Телефон: (8-369) 226-46-44, 226-30-18, 226-45-09.**

Қурилиш ишлари 9-сонли қурилаётган корхоналар бирлашган дирекциясига ажратилган давлат маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдо предметининг 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилоят консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича: Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй (Матбуот уйи, 4-қават), иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача мурожаат қилишлари мумкин.

Телефон/Факс: (8-369) 226-14-50, 226-47-91.

Танлов ҳужжатлари битта тўпламининг нархи — 50.000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИНИНГ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Объектлар номи:

I. Фарғона вилояти, Бешариқ туманидаги қишлоқ хўжалик йўналишидаги касб-ҳунар коллежи учун ўқув хўжалиги қурилиши, «калити билан».

Қурилиш муддати — 2007 йил декабрь.

II. ЛОТ №3

3.1. Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани, Қалача қишлоғидаги 40-сонли;
3.2. Фарғона тумани, Қораянтоқ қишлоғидаги 25-сонли;
3.3. Фарғона тумани, Қўрғонтепа қишлоғидаги 58-сонли умумтаълим мактабларини мукаммал реконструкциялаш «ҚМИ»га.

Қурилиш муддати — 01.08.2008 й.

Манзил: Фарғона шаҳар, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, телефон/факс: 224-24-33, 224-75-43.

Умумий қурилиш ишлари **бюджетдан ташқари мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси** ҳисобидан молиялаштирилади.

Ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш ва умумтаълим мактабларини таъмирлаш ишларида энг камида 2 йиллик иш тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин: *Фарғона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, телефон/факс: 224-18-71, 224-18-76.*

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

Муносабат

ФУТБОЛ: ОРЗУЛАРИМИЗ ҚАЧОН УШАЛАДИ?

Кейинги йилларда футбол бўйича мамлакатимизнинг турли терма жамоалари намойиш этаётган ўйинларда ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмокда. Бироқ қайд этилаётган якуний натижадан эса мутахассис ва мухлисларнинг кўнгли тўлмаётгани сир эмас.

Ҳамюртларимиз мағлубиятга учраган аксарият ўйинларда рақибларидан қолишмайдиган даражада ҳаракат қилишганининг гувоҳи бўлаяпмиз. Афсуски, ҳар сафар ўйин якунида «Агар...» иборасини тилга олишга тўғри келаяпти.

— Агар ўтган йилги Осиё ўйинларида Ироқ — Ўзбекистон терма жамоалари учрашувида ҳимоячи Асрор Алиқуловга ҳакам бекордан бекор «қизил карточка» кўрсатмаганида...

— Агар ёзда ўтказилган Осиё чемпионатида Саудия Арабистони футболчиларига қарши кечган ўйинда ҳамюртларимиз киритган гол ҳисобга олинганида...

2008 йили Пекинда бўладиган XXIX ёзги Олимпия ўйинлари саралаш учрашувларида қатнашаётган футболчиларимиз иштирокидаги баҳслар ҳам «Агар...»сиз тугамайдиган бўлди. Жумладан, мусобақанинг «В» гуруҳида тўп сураётган олимпиячиларимиз нечоғли ҳужумкор ўйин кўрсатишга интилишмаси, ҳозиргача якунланган уч учрашувнинг бирортасида ғалаба қозонишнинг уддасидан чиқа олишмади. Дастлаб сафарда Жанубий Корея вакилларига (2:1) имконият бой берилган бўлса, ўз юртимизда Сурия (0:0) ҳамда Баҳрайн (1:2) футболчиларига қарши кечган баҳсларда атиги бир очко қўлга киритилди.

— Сурия терма жамоаси билан бўлган ўйинда агар омад келганида...

— Баҳрайн вакиллари билан ўтган учрашувда агар ҳакам халал бермаганида...

Хуллас, олимпия терма жамоамиз Пекинга йўлланмани қўлга киритиш имкониятидан махрум бўлди.

Хўш, Ўзбекистон Олимпия терма жамоасининг саралаш мусобақаларидаги иштироки хусусида мураббий ва мутахассислар, футболчи ва мухлислар фикри қандай?

Вадим АБРАМОВ, Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси бош мураббийи:

— Учинчи босқич баҳсларида кучсизлар қатнашмаслигини аввал ҳам таъкидлаганман. Аммо шунга қарамай футболчиларимизни Пекин йўлланмаси учун асосий даъвогарлардан бири, деб санаётгандим. Бунинг учун асослар етарли, ЎФФ томонидан футболчиларимиз учун барча зарур шароитлар яратиб берилганди. Афсуски, ниятимиз амалга ошмади. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта.

Аввало шуни таъкидлашни истардимки, Сеулда кутилмаганда Жанубий Корея футболчиларидан енгилганимиз, қолаверса, мазкур учрашувдан сўнг таркибда юзага келган муаммолар кейинги ўйинларга салбий таъсир кўрсатмай қолмади. Илгари ҳам айтганман, Олимпия терма жамоаси таркибидаги ёш ўйинчилар руҳиятида тез-тез ўзгаришлар бўлиб туради. Бу айрим ҳолларда ижобий томонга хизмат қилса, баъзан аксинча бўлиши ҳам мумкин. Жумладан, Жанубий Кореяга қарши ўйинда бир йўла икки ўйинчининг майдондан четлатилиши ғалабани мағлубиятга алмаштириш билан якунланди. Сурия ва Баҳрайн билан кечган учрашувларда жароҳатлар ва сариқ карточкалар туфайли бирварақайига етти-саккиз футболчининг



таркибдан жой ололмаганлигининг ўзи етарлича бош оғриқ пайдо қилди. Шунга қарамай, йигитлар имконият даражасида майдонда ҳаракат қилишди. Гарчи, Самарқандда рақиб билан очко бўлишган бўлсак-да, Тошкентда Баҳрайн футболчиларини енгишнинг уддасидан чиққандик. Аммо таиландлик ҳакам ҳақиқий голни йўққа чиқарди. Оқибатда футболчиларимиз бу вазиятда ҳали ўзларига келиб улгурмасдан дарвозадан иккинчи тўпни олиб чиқишга мажбур бўлишди. Шунингдек, араб давлатлари терма жамоалари билан ўтадиган ўйинларда уларнинг футболчилари кўрсатадиган «хурмача қилиқ»ларни гапириш эса ортиқча. Хуллас, бой берилган имкониятнинг ўзига яраша сабаблари бор. Агар шогирдларимиз кўрсатмаларимизни майдонда тўғри ва ўз вақтида амалга оширишганида ҳозир умуман бошқача кайфиятда бўлардик.

Миржалол ҚОСИМОВ, Ўзбекистон Олимпия терма жамоаси мураббийи:

— Нима ҳам дердим? Менимча, йигитлар ёмон тўп суришмади. Учрашувлар қандай кечганлигини мухлислар ҳам кўрдилар. Футболчиларимизга майдонда бироз уюшқоқлик ва аниқлик етишмади. Агар йигитларда халқаро ўйин тажрибаси камлик қилмаганида кутилмаган натижалар қайд этилмасди. Бундан икки йил олдин айнан Ўзбекистон — Баҳрайн терма жамоалари баҳсида японялик ҳакам футболчиларимизга панд берганди. Бу гал олимпиячиларимиз учрашувида таиландлик рефери йўл қўйган хато уникидан ҳам ошиб тушди. Тўғри, йигитларимиз рақиб билан ўртани эртароқ «очиқ» қилишганида ҳакамга ҳам иш қолмасди. Аммо нохолис ҳакамлик олимпиячиларимизга барибир қимматга тушди. Менимча, ҳакамлик қонун-қоидаларига қандайдир ўзгартиришлар киритиш керакка ўхшайди. Бўлмаса, қитъамиз футболида юксалиш қилиш жуда мушкул. Қолаверса, араб футболчиларининг ўзларини нопрофессионал тутишлари футбол жозибасига салбий таъсир кўрсатмай қолмайди.

Шухрат МАҚСУДОВ, «Нефтчи» (Фарғона) жамоаси мураббийи:

— Футболчиларимизнинг Пекин олимпиадасига йўлланма олишига ишонгандим. Ҳатто дўстларимиздан айримлари билан агар олимпиячиларимиз йўлланмани қўлга киритишса, ўйинларни томоша қилгани Хитойга бормоқчи эдик. Начора, омад чопмади. Аслида олимпиячиларимизнинг саралаш учрашувлари ҳал қилувчи босқичига чиқишининг ўзи мақтовга лойиқ. Учрашувлар шуни кўрсатдики, юртимизда миллий терма жамоага муносиб номзодлар улғаймокда. Албатта, Ўзбекистон Олимпия терма жамоасининг ушбу иштирокидан фожиа ясаш керак эмас. Агар йўл қўйилган хато-камчиликлардан тўғри хулоса чиқарилса, вақти келиб бу ўз самарасини бериши, шубҳасиз.

Азиз ҲАЙДАРОВ, терма жамоа ярим ҳимоячиси:

— Жамоамиз қандай бўлмасин, Самарқанд ва Тошкентда ўтган учрашувларда ғалаба қозониши шарт эди. Афсуски, Сеулда Жанубий Корея билан бўлган ўйинда орттирган жароҳатим туфайли дўстларимга ёрдам бера олмадим. Назаримда, мураббийларимиз бир қатор етакчи ўйинчиларсиз ҳам ажойиб жамоа шакллантиришган эди. Аммо ҳал қилувчи лаҳзаларда уларга аниқлик ва омад етишмади. Бундан тащқари, ҳакамнинг хатоси биз учун қимматга тушди.

Мурод ИБРОҲИМОВ, мухлис, Тошкент шаҳридан:

— Эллик йилдан бери футбол ишқибозиман. «Пахтакор» ва терма жамоалар иштирокидаги ҳар бир учрашувни қолдирмай томоша қиламан. Кейинги йилларда мамлакатимизда футболни ривожлантиришга катта эътибор берилаётганлигини бугун ҳаммамиз кўриб-билиб турибмиз. Футболчиларимизнинг халқаро мусобақаларда кўрсатаётган ўйинлари савияси ҳам ошиб боряпти. Лекин якуний натижадан биз мухлисларнинг кўнглимиз тўлмаяпти. Осиёда ҳакамлар хатоси, араб футболчиларининг ўзларини номуносиб тутишлари хусусида охирги пайтда кўп гапирилмокда. Бу гапларда жон бор. Аммо спортда омад кучлиларга кулиб боқади, дейишади. Ана шу нуқтаи назардан қараганда, футболчиларимиз майдонда ҳужумкор ўйин намойиш қилишса, ортиқча гап-сўзга ўрин қолмайди. Терма жамоаларимиз ҳужум чизиғида кучли ўйинчилар етишмаётганлиги кейинги пайтда анча сезилиб қолди. Агар олимпиячилар таркибида ҳам ҳужумчилар имкониятлардан самарали фойдалана олишганида ҳакамлар хатоси ёки айрим жамоалар футболчиларининг ғирромлик ва қўполликларининг аҳамияти қолмасди. Лекин шунга қарамай, мураббий Вадим Абрамов ажойиб жамоа туза олганлигини айтмоқчиман. Ёш футболчилар ўз маҳоратларини ошириб боришса, келгусида улар миллий терма жамоа таркибидан мустаҳкам ўрин олишларига ишонаман.

Эркин ХОЛБОБО

АБДУЛЛАНИНГ БРОНЗАСИ

Рио-де-Жанейро (Бразилия)да дзюдо бўйича йигирма бешинчи жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Дунёнинг саксонга яқин давлати курашчилари ўртасида ўтган беллашувларда ғолиб ва совриндорлар етти вазн тоифасида аниқланди. Якунда медаллар фақат йигирма олти мамлакат спортчиларига насиб қилди.

Улар орасида машҳур полвонимиз Абдулла Тангриев (мутлақ вазн бўйича)нинг ҳам борлиги қувонарлидир. Ёдингизда бўлса, у шу йилнинг баҳорида Қувайтда ўтган Осиё чемпионатида шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилганди. Бразилияда дунёнинг сара дзюдочилари билан муносиб курашган Абдулла Тангриев мутлақ вазн тоифасида бу гал бронза медали билан тақдирланди.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

НАМАНГАН ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИНИНГ ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

***қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича очиқ танлов савдолари* ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

№	Лот №	Мактаб манзили, рақами
1	1/1	Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Х.Пулатов кўчасидаги 600 ўқувчи ўринли 8-сонли мактабни тайёр ҳолда мукаммал қайта қуриш.
2	1/2	Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Чортоқ кўчасидаги 670 ўқувчи ўринли 30-сонли мактабни тайёр ҳолда мукаммал қайта қуриш.
3	1/3	Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Уйчи кўчасидаги 600 ўқувчи ўринли 14-сонли мактабни тайёр ҳолда мукаммал қайта қуриш.
4	2/1	Наманган вилояти, Косонсой тумани, Ёшлик ҚФЙ даги 360 ўқувчи ўринли 35-сонли мактабни тайёр ҳолда мукаммал қайта қуриш.
5	2/2	Наманган вилояти, Косонсой тумани, Тергачи ҚФЙ даги 200 ўқувчи ўринли 47-сонли мактабни тайёр ҳолда мукаммал қайта қуриш.
6	2/3	Наманган вилояти, Косонсой тумани, Обод ҚФЙ даги 330 ўқувчи ўринли 49-сонли мактабни тайёр ҳолда мукаммал қайта қуриш.
7	3/1	Наманган вилояти, Мингбулоқ тумани, Довдуқ қишлоғидаги 220 ўқувчи ўринли 2-сонли мактабни тайёр ҳолда мукаммал қайта қуриш.
8	3/2	Наманган вилояти, Мингбулоқ тумани, Ғўртепа қишлоғидаги 200 ўқувчи ўринли 38-сонли мактабни тайёр ҳолда мукаммал қайта қуриш.
9	3/3	Наманган вилояти, Мингбулоқ тумани, Ингичка қишлоғидаги 140 ўқувчи ўринли 30-сонли мактабни тайёр ҳолда мукаммал қайта қуриш.
10	4/1	Наманган вилояти, Мингбулоқ тумани, Бўстон қишлоғидаги 120 ўқувчи ўринли 48-сонли мактабни тайёр ҳолда мукаммал қайта қуриш.
11	4/2	Наманган вилояти, Мингбулоқ тумани, Дамқўл қишлоғидаги 280 ўқувчи ўринли 50-сонли мактабни тайёр ҳолда мукаммал қайта қуриш.
12	4/3	Наманган вилояти, Уйчи тумани, Машад қишлоғидаги 580 ўқувчи ўринли 4-сонли мактабни тайёр ҳолда мукаммал қайта қуриш.
13	5/1	Наманган вилояти, Поп тумани, Санг қишлоғидаги 150 ўқувчи ўринли 64-сонли мактабни тайёр ҳолда мукаммал қайта қуриш.
14	5/2	Наманган вилояти, Поп тумани, Пунгон қишлоғидаги 120 ўқувчи ўринли 54-сонли мактабни тайёр ҳолда мукаммал қайта қуриш.
15	5/3	Наманган вилояти, Поп тумани, Куштепа қишлоғидаги 160 ўқувчи ўринли 47-сонли мактабни тайёр ҳолда мукаммал қайта қуриш.
16	6/1	Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани, Шаханд қишлоғидаги 380 ўқувчи ўринли 6-сонли мактабни тайёр ҳолда мукаммал қайта қуриш.
17	6/2	Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани, Шаханд қишлоғидаги 260 ўқувчи ўринли 53-сонли мактабни тайёр ҳолда мукаммал қайта қуриш.
18	6/3	Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани, Сарой қишлоғидаги 180 ўқувчи ўринли 11-сонли мактабни тайёр ҳолда мукаммал қайта қуриш.
19	7/1	Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани, Оқтош қишлоғидаги 250 ўқувчи ўринли 30-сонли мактабни тайёр ҳолда мукаммал қайта қуриш.
20	7/2	Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани, Шаханд қишлоғидаги 540 ўқувчи ўринли 33-сонли мактабни тайёр ҳолда мукаммал қайта қуриш.
21	7/3	Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани, Сайрам қишлоғидаги 160 ўқувчи ўринли 60-сонли мактабни тайёр ҳолда мукаммал қайта қуриш.
22	8/1	Наманган вилояти, Наманган тумани, Урганжи қишлоғидаги 240 ўқувчи ўринли 9-сонли мактабни тайёр ҳолда мукаммал қайта қуриш.
23	8/2	Наманган вилояти, Наманган тумани, Қоракўл қишлоғидаги 620 ўқувчи ўринли 14-сонли мактабни тайёр ҳолда мукаммал қайта қуриш.
24	8/3	Наманган вилояти, Наманган тумани, Хўжақишлоқ қишлоғидаги 640 ўқувчи ўринли 20-сонли мактабни тайёр ҳолда мукаммал қайта қуриш.
25	9/1	Наманган вилояти, Норин тумани, У.Юсупов қишлоғидаги 320 ўқувчи ўринли 10-сонли мактабни тайёр ҳолда мукаммал қайта қуриш.
26	9/2	Наманган вилояти, Норин тумани, Тошлоқ қишлоғидаги 330 ўқувчи ўринли 20-сонли мактабни тайёр ҳолда мукаммал қайта қуриш.
27	9/3	Наманган вилояти, Норин тумани, Кемабоши қишлоғидаги 260 ўқувчи ўринли 29-сонли мактабни тайёр ҳолда мукаммал қайта қуриш.
28	10/1	Наманган вилояти, Норин тумани, Норинкапа қишлоғидаги 150 ўқувчи ўринли 38-сонли мактабни тайёр ҳолда мукаммал қайта қуриш.
29	10/2	Наманган вилояти, Норин тумани, Норинкапа қишлоғидаги 760 ўқувчи ўринли 40-сонли мактабни тайёр ҳолда мукаммал қайта қуриш.
30	10/3	Наманган вилояти, Чуст тумани, Қизилтош қишлоғидаги 200 ўқувчи ўринли 43-сонли мактабни тайёр ҳолда мукаммал қайта қуриш.
31	11/1	Наманган вилояти, Чортоқ тумани, Бештол ҚФЙ даги 310 ўқувчи ўринли 39-сонли мактабни тайёр мукаммал қайта қуриш.
32	11/2	Наманган вилояти, Чортоқ тумани, Кулбукон қишлоғидаги 180 ўқувчи ўринли 36-сонли мактабни тайёр ҳолда мукаммал қайта қуриш.
33	11/3	Наманган вилояти, Чортоқ тумани, Соз-сой қишлоғидаги 240 ўқувчи ўринли 23-сонли мактабни тайёр ҳолда мукаммал қайта қуриш.
34	12/1	Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани, Қораполвон қишлоғидаги 670 ўқувчи ўринли 7-сонли мактабни тайёр ҳолда мукаммал қайта қуриш.
35	12/2	Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани, Янгиқўрғон шаҳарчасидаги 540 ўқувчи ўринли 1-сонли мактабни тайёр ҳолда мукаммал қайта қуриш.
36	12/3	Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани, Ғовазон ҚФЙ даги 764 ўқувчи ўринли 19-сонли мактабни тайёр ҳолда мукаммал қайта қуриш.
37	13/1	Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани, Бирлашган қишлоғидаги 120 ўқувчи ўринли 57-сонли мактабни тайёр ҳолда мукаммал қайта қуриш.
38	13/2	Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани, Поромон қишлоғидаги 120 ўқувчи ўринли 56-сонли мактабни тайёр ҳолда мукаммал қайта қуриш.
39	13/3	Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани, Нов ҚФЙ даги 180 ўқувчи ўринли 48-сонли мактабни тайёр ҳолда мукаммал қайта қуриш.
40	14/1	Наманган вилояти, Учқўрғон тумани, Бахт қишлоғидаги 450 ўқувчи ўринли 10-сонли мактабни тайёр ҳолда мукаммал қайта қуриш.
41	14/2	Наманган вилояти, Учқўрғон тумани, Қўғай қишлоғидаги 440 ўқувчи ўринли 32-сонли мактабни тайёр ҳолда мукаммал қайта қуриш.
42	14/3	Наманган вилояти, Учқўрғон тумани, Қўғай қишлоғидаги 140 ўқувчи ўринли 26-сонли мактабни тайёр ҳолда мукаммал қайта қуриш.

Қурилишни якунлаш муддати — **барча объектлар бўйича 2008 йил 1 август.**

Буюртмачи: **Наманган шаҳри, А.Темур кўчаси, 105-уйда жойлашган Наманган вилояти ҳокимлигининг Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси.**

Телефон: (8-3692) 26-22-60, 33-77-06.

Қурилиш ишлари Наманган вилоят ҳокимлигининг Ягона буюртмачи инжиниринг компаниясига ажратилган мактаб жамғармаси маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдо предметининг 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилоят консалтинг марказига қуйидаги манзилга:

Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй (Матбуот уйи, 4-қават),
иш кунлари соат 10.00дан 17.00гача мурожаат қилишлари мумкин.
Телефон/факс: (8-369) 226-14-50, 226-47-91.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 50.000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:

Наманган шаҳри, Амир Темур кўчаси, 105-уй.

✓ Вниманию организаций и предприятий!

Республиканская инжиниринговая компания по строительству академических лицеев

объявляет отбор подрядных организаций для участия в конкурсных торгах по объектам:

Республика Каракалпакстан
1. Академический лицей на 450/100 учащихся в г.Мангит.
2. Академический лицей на 450/100 учащихся в г.Чимбай.

Бухарская обл.
1. Академический лицей на 720/100 учащихся при БухГУ в г.Бухаре.
2. Академический лицей на 720/100 учащихся при БухГУ в г.Бухаре.

Джиззакская обл.
1. Академический лицей на 720/100 учащихся при ДжизГПИ в г. Джиззак.
2. Академический лицей на 450/100 учащихся в Галлааральском р-не.

Наманганская обл.
1. Академический лицей на 450/100 учащихся при НамГУ в Чартакском районе.

Самаркандская обл.
1. Реконструкция Самаркандского военного лицея по академический лицей на 450/100 учащихся при СамГАСИ и СВВАКИУ.

Сырдаринская обл.
1. Академический лицей на 450/100 учащихся в г.Сырдарья.

Сурхандаринская обл.
1. Академический лицей на 720/100 учащихся при ТерГУ в г.Термиз.

Ташкентская обл.
1. Академический лицей на 720/100 учащихся в г.Алмалык.

Ферганская обл.
1. Академический лицей на 720/100 учащихся в г.Фергана.
2. Реконструкция Ферганского военного лицея под академический лицей на 450/450 учащихся при ФерПИ и ЧВТКИУ.

Хораземская обл.
1. Академический лицей на 720/100 учащихся в г.Ургенче.
2. Реконструкция Ургенчского военного лицей под академический лицей на 450/450 учащихся при ТПОИ и ТВВОКУ.

г.Ташкент.
1. Академичексий лицей на 720/100 уч. мест при ТАДИ в Сергелийском р-не (на базе незавершенного стр-ва).
2. Академический лицей на 720/0 уч. мест при ТАСИ.
3. Академический лицей на 180/0 уч. мест при ТашГИВ.
4. Академический лицей на 540/75 уч. мест при ТашФарМИ в Мирабадском р-не г.Ташкента (Реконструкция).
5. Академический лицей им ГЛИЭР на 720/0 уч. мест в Собир Рахимовском р-не г.Ташкента (Реконструкция).
6. Реконструкция бывшего здания МинВУЗа под академический лицей на 720/0 учащихся при Узбекском Университете мировых языков.
7. Реконструкция Мирзо Улугбекского машиностроительного профессионального колледжа под академ. лицей при ТГТУ.
8. Академ. лицей 540/0 уч. мест при Таш.инс.инженеров железнадорож. транспорта Мирабадском р-не.
9. Академ. лицей 360/0 уч. мест при ТТИЛП. Мирабадском р-не.
10. Реконструкция Ташкентского военного лицея под А.Л при ТУИТ и его Спец факультет.

Финансирование будет вестись за счет государственных бюджетных средств.

***Заказчик** — Республиканская инжиниринговая компания по строительству академических лицеев.*

***Организатор торгов** — Территориальные консалтинговые центры по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве на местах.*

Предприятия и организации должны соответствовать следующим условиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственную базу, трудовые ресурсы и специалистов необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах аналогичных конкурсному, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

Не допускаются к участию в процедурах конкурсных торгов претенденты находящиеся на стадии реорганизации (разделения, слияния), ликвидации или банкротства, на имущество которых наложен арест, а также имеющие непосредственную организационно-правовое или финансовую участие, холдинга и других форм.

Для участия в конкурсных торгах необходимо обратиться с запросом к организатору торгов в Территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве на местах.

***Оферты принимаются организатором торгов по адресу:** Территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве на местах.*

Последний срок предоставления офертов организатору торгов к дню и часу вскрытия пакетов.

***Вскрытия оферт состоится** через 30 дней после опубликования объявления.*

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Abdurasul JUMAQUL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Huquq 136-76-21
Ekologiya va salomatlik 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 223-79-98

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 849
8101 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 22.40
Topshirilgan vaqti — 2 3 4 5 6
Sotuvda erkin narxda